

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.02-07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАҲИМОВ ҚОДИРЖОН АБДУХАЛИЛОВИЧ

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТГА ОНГСИЗЛИК
КОМПОНЕНТЛАРИ ТАЪСИРИ**

**19.00.01 - Умумий психология, шахс психологияси ва
психология тарихи**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

УДК: 151.19.15(09)(584.4)

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on psychological Sciences**

Абдурахимов Қодиржон Абдухалилович
Интеллектуал фаолиятга онгсизлик компонентлари таъсири.....3

Абдурахимов Қодир Абдухалилович
Влияние компонентов бессознательного на интеллектуальную
деятельность.....21

Abdurakhimov Kodirjon Abdukhalilovich
Influence of the components of unconsciousness on intellectual active.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.02-07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАҲИМОВ ҚОДИРЖОН АБДУХАЛИЛОВИЧ

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТГА ОНГСИЗЛИК
КОМПОНЕНТЛАРИ ТАЪСИРИ**

**19.00.01 - Умумий психология, шахс психологияси ва
психология тарихи**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.Ph.dPsi1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг ik-falsafa@nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Шоумаров Ғайрат Бахрамович**
психология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Бегматов Абдуллажон Сирожиддинович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Қодиров Ботир Раҳмонқулович
Психология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги _____ рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Э.Ғозиев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Расулов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д.

Н.Сафаев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги босқичида инсон онг ва тафаккурининг аҳамияти беқиёс. Айни пайтда инсон интеллекти ижтимоий жараёнларни глобал миқёсдаги ҳаракатлантирувчи кучга айлантирди. Зеро, дунёдаги барча билим ва тажрибалар, сўз ва тушунчалар, тасаввур ва хулосалар инсон фаолиятига дахлдор. Интеллектуал фаолиятдаги шахсга хос фарқликларнинг прогностик қиммати, аввало, шахслилик хусусиятининг бошқарувчанлик имкониятига боғлиқ, бу янги билимларни мустақил ўзлаштира олиш, такомиллаштириш, психологик билим билан қуролланиш ҳамда уларда ўз-ўзини англаш, тўғри фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг илк кунлариданоқ инсон онги ва қалбига миллий ғоя ва ватанпарварлик туйғулари, фуқаролик позицияларини сингдириш, унга бевосита таъсир ўтказадиган турли усул ва воситалар кўламини кенгайтириш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида ёшлар, халқимиз тафаккури, дунёқараши, маънавияти, интеллектуал фаолиятида ижобий ўзгаришларга эришилди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз олимларининг онг ва онгсизликка таъсир кўрсатувчи омиллар, тафаккур жараёни амаллари, шахс ақлий ривожининг башорати, ижодда онг ва онгсизлик муаммосига доир замонавий илмий-фалсафий ва методологик-қиёсий таҳлиллари муҳим илмий натижалар олишга йўналтирилган.

XXI асрга келиб, жаҳонда фалсафа, психология фанлари доирасида онглилик ва онгсизлик тадқиқиқа муайян хисса бўлиб қўшилган самарали усуллар ишлаб чиқилганлиги, илмий тадқиқотлар яратилганлиги ва йўналишлар шаклланганлиги катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, эса олиб қолиш, хаёл, ижодга онгсизлик фаоллигининг таъсири, онг ва онгсизликда психологик установкалар ва уларнинг психофизиологияси, когнитив акс эттириш компонентлари, стереотип, одат ва интуицияларнинг психологик талқини, субсенсор идрокда акс эттириш тафаккурда онгсиз интеллектуал функциялар ролини, уларнинг анланганликни тўлдирувчи ходиса сифатида намоён бўлишини, онг остиликда юзага келадиган тафаккур жараёни кечишини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикасининг «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-415 сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 15 майдаги ПҚ-2909 сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи – ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши ушбу тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Қадимги дунё олимлари томонидан, билишга оид масалалар билан бир қаторда, фалсафага асос солинган вақтдан бошлаб Сукрот, Афлотун (“ғоялар дунёси” ни эслатиш), Арасту (руҳ қисми) таълимотларида онгсизлик, англамаганлик муаммолари ўз даври талаблари даражасида ўрганилган [68, б. 5-49], [73, б. 84-96], [40, б. 234], [146, б. 29].

Марказий Осиё мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий таълимотларида онг ва онгсизлик муаммолари илмий жиҳатдан маълум даражада тадқиқ қилинган. Шарқ олимлари томонидан яратилган бетакрор таълимотларда инсон онги, онгсизлик ҳолатлари кенг таҳлил этилган.

Россиялик олимлар А.Ю.Агафонов, Д.Б.Богоявленская, И.Б.Лебедев, Б.Ф.Ломов, И.П.Меркулов, Д.Н.Узнадзе, В.В.Селиванов, Н.Н.Плетеневская, А.П.Федоркина, А.Э.Шерозия, Н.С.Юлиналар мавзуга оид турли йўналишларда тадқиқотлар олиб борган. Уларнинг онгсизликка оид когнитив услуб концепцияси, тафаккур турларига (сўз-мантик, кўрсатмали-образли, предметли-ҳаракатли) таъсири, онглилик билан ўзаро алоқадорлиги масалаларига [2, 35, 87, 92, 99, 109, 122, 130, 135, 145, 152] бағишланган изланишлари алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатимиз психологлари Э.Ф.Ғозиев, Е.В.Ли, Г.М.Рўзматова, З.Т.Нишанова, Р.И.Суннатова кабилар томонидан олиб борилган тадқиқотларда тафаккур жараёнининг амаллари, илмий ижодда онглилик ва онгсизлик муаммосининг замонавий илмий-фалсафий ва методологик-қиёсий таҳлили, фрейдизм вакиллари таълимотида онг ва онгсизлик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик диалектикасида инсон руҳияти, фикрлаш фаолиятининг индивидуал-типологик хусусиятлари субъектнинг мустақил ривожланиш имкониятлари билан узвий боғлиқликда кечишига махсус эътибор қаратилган¹.

¹Ғозиев Э.Ф. Умумий психология / Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.; Шоумаров Ғ.Б. Дифференциальная психологическая диагностика задержки психического развития на основе анализа стандартизированной методики Векслера: Автореф. дис... канд. психол. наук. – М., 1980. – 24 с.; Ли Е.В. Проблема сознательного и бессознательного в научном творчестве: Автореф. дис... канд. филос. наук. – Ташкент: 2011. – 29 с.; Рўзматова Г.М. Фрейдизмда инсон масаласининг фалсафий таҳлили: Фалсафа фанлари д-ри ...дисс. - Тошкент: 2012. – 45 б.; Нишанова З.Т. Мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик асослари: Психол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент: 2005. - 38 б.; Суннатова Р.И. Индивидуально-типологические особенности мыслительной деятельности: Автореф. ...д-ра психол. наук. – Ташкент, 2001. – 41 с.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №А-1-85 «Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсон психикасидаги энг мураккаб ва зиддиятли қатлам бўлган онгсизликнинг интеллектуал фаолиятга таъсирини очишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

психологияда онгсизлик қатламининг ўрганилганлик ҳолати, бу соҳадаги ечим ва муаммоларни ўрганиш, онгсизлик компонентларининг назарий-психологик жиҳатларини асослаш;

онгсизлик компонентлари – кўникма, стереотип, одат ва автоматлашган ҳаракатларни таснифлаш;

интеллектуал фаолият, унинг психологик хусусиятлари, тафаккурдаги анланган ва анланмаган механизмларни очиш;

онгсизлик даражасидаги установакаларнинг интеллектуал фаолиятдаги ролини ёритиш;

интеллектуал ёш авлодни тарбиялаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган назарий хулоса ва амалий тавсияларни илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти интеллектуал фаолиятга онгсизлик компонентларининг таъсирига доир масалаларни ечиш лаёқатига эга бўлган 18 ёшдан 38 ёшгача бўлган 392 нафар синалувчи.

Тадқиқотнинг предмети инсон психикасидаги онгсизлик қатлами компонентларининг интеллектуал фаолиятга таъсири.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг умумпсихологик методлари – таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, умумлаштириш, таққослаш, суҳбат, кузатиш ҳамда “Онгсизликни ўрганиш методикаси”, махсус психологик моделлаштириш каби тадқиқот усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интеллектуал фаолиятнинг яхлит, аммо субъект амалга оширадиган кўпкомпонентли фаолиятда ўзига хос турли даража ва шароитда жараён сифатида кечиши очиб берилган;

онгсизлик онглиликнинг муҳим компоненти сифатида интеллектуал фаолият самарадорлигини таъминлаб, уни ортиқча зўриқишлардан ҳимоялаши асосланган;

онглиликнинг мураккаб полиморф структурага эгаллиги эксплицит, равшан, эмоционал коммуникатив воситаларсиз ҳамда имплицит, субъект тушунган, ҳис қилган аммо коммуникабел шаклга айлантира олмаган даражаси мавжудлиги асосида далилланган;

семантик дифференциал матрица ёрдамида аниқланган тафаккур онгли ва онгсиз компонентларидаги муайян ўзгаришлар онгсизлик соҳасидаги индивидуал англаш жараёнининг ҳосиласи эканлиги очиб берилган;

субсенсор ва вербал айтиб туришлар натижасида онг остиликда юзага келадиган тафаккур жараёни кечишининг топшириқ шарт ва талабларини англаш даражасида ва худди шундай фикрлаш ҳаракатларининг анланмаган ҳолатида ҳам ўзгаришларига сабаб бўлиши синалувчиларда онгли қарор қабул қилишга асос бўладиган англаш жараёнини фаоллаштириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

синалувчилар анланмаган масалаларни ечиши жараёнида вербал характердаги оҳиста айтиб туришлар таъсирида анланганлик даражасига эришиши мумкинлиги аниқланган;

фикрлаш жараёнидаги анланмаганлик шивирлаб айтиб туриш билан субсенсор идрок таъсирида анланганликка ўтиб бориши исботланган;

интеллект фаолиятда ечимга тааллуқли англаш компонентларини фаоллаштириш, ривожлантиришнинг конструктив тузилмасига асосланувчи психологик тренинг технологиялари яратилган;

фикрлаш жараёнига онг ва онгсизликнинг боғлиқлигини янада аниқлаштириш учун интеллектуал фаолиятда англаш жараёнини фаоллаштиришнинг конструктив тузилмаси тавсия этилган.

Тадқиқотнинг натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда илгари сурилган умумпсихологик ғоя ва умумлаштирилган хулосалардан умумий психология, тафаккур психологияси, интеллектуал фаолият психологияси бўйича ўтказиладиган психологик тадқиқотларда, шахс психологияси, ёш даврлари ва дифференциал психология, тиббиёт психологияси фанлари бўйича дарслик, ўқув кўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, психология, фалсафа, педагогика бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида фойдаланиш мумкин. Онгсизлик психологияси ҳақидаги назарий-фалсафий ғоялар, тавсиялар умумий психология, шахс психологияси ва психология тарихи фанларини янгилаш билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган интеллектуал фаолиятда анланмаган фикр ва хатти-ҳаракатларнинг анланганликка ўтишида уларга бериладиган установакалар, психодиагностик усулларнинг самарали қўлланиши ва психологик таъсир кўрсатиш усулларига боғлиқлигининг назарий-амалий натижаларга асосланган хулоса ҳамда тавсиялар интеллект психологияси фанини янгилаш билан бойитиб, психологлар ўз амалий фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланишлари мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интеллектуал фаолиятга онгсизлик компонентлари таъсири даражасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар асосида:

талабаларда интеллектуал фаолият, кўп компонентли фикрлаш даражасига доир вазифалар тизими “210000-Социология ва психология” таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (“Ўзстандарт” агентлигининг 2016 йил 6 январ 16/809-сонли қарори билан тасдиқланиб, 36.2022-сон рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган). Интеллектуал фаолиятга таъсир этувчи компонентлар тизими бакалаврият ва магистратура битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига қўйиладиган умумий малака талабларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

онгсизлик онгни ортиқча зўриқишдан ҳимояловчи функцияни бажариши, психик жараёнларнинг узвий боғлиқлиги, интеллектуал фаолиятга онгсизлик компонентлари кўникма, малака, одат, установка ва интуициянинг ўзига хос таъсири мавжудлиги доирасида олинган илмий натижалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тарбиявий ишлар самрадорлигини ошириш” ҳамда “Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган идоралараро комплекс чора-тадбирлар” дастурларига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 89-02-2187 сон маълумотномаси). Дастурда белгиланган вазифалардан олий таълим муассасаларининг психолог мутахассислари, ўқитувчи-мураббийлари муаммоли, тарбияси оғир талабалар билан индивидуал психологик коррекцион ва тарбиявий ишларда фойдаланган ҳамда уларнинг хулқида ижобий ўзгаришлар юз беришига, ўзлаштириш самарадорлигининг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари

баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Психологияда онгсизлик компонентлари муаммосининг назарий-методологик жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида онгсизлик генезиси тараққиёти ва унинг фикрлаш фаолиятидаги роли масалаларини очиб бериш кўзда тутилган.

Билиш жараёнининг онгли ва онгсиз компонентларини тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари таҳлилининг кўрсатишича, ушбу муаммонинг айрим жабҳалари ёритилган. Аслида, “англанмаганлик” муаммоси фалсафага асос солинган вақтдан бошлаб Суқрот, Афлотун (“ғоялар дунёси” ни эслатиш), Арасту (руҳ қисми) таълимотларида ўрганилган [68, б. 5-49], [73, б. 84-96], [40, б. 234], [146, б. 29].

Марказий Осиё мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий таълимотларида инсон онги, онгсизлик ҳолатлари, сўфизм руҳшунослиги, “Тасаввуф психологияси” кенг тадқиқ этилган. Кейинги йилларда АҚШ ва Европада диний таълимотларга қизиқиш ўрганилганда, энг оммабоп диний оқим – сўфийлик экани аниқланган². Онгсизлик қатламида рўй берадиган, муайян шахс англамаган, англаса ҳам, ошқор айтолмайдиган ҳолатлар, Ибн Синонинг “қалбни табиий ишонтириш” ғояси “инсоннинг ўз табиатини тарбиялаши” мумкинлиги муаммосини ўрганиш тарихида янгилик бўлди.

Ғарб мутафаккирлари изланишларига назар солсак, илк бор англанмаганлик муаммосини ўрганишга Б.Спиноза (“хоҳишни деатамацияловчи англанмаган сабаблар”), Г.Лейбниц (“англанмаганлик” тушунчасини киритган ва уни руҳий фаолиятнинг энг қуйи шакли деб талқин этган), Д.Гартли (англанмаганликни нерв тизими фаолияти билан алоқаси), И.Кант (англанмаганликнинг интуитив ва ҳиссий билиш билан алоқаси), И.Гербарт (интеллектуал психология контекстидаги англанмаганлик), А.Шопенгауэр (англанмаган ички импульслар ҳақидаги ғоялар), Э.Гартман (“англанмаганлик фалсафаси”), Г.Фехнер (“айсберг-руҳ” ҳақидаги тасаввурлар), В.Вундт (“англанмаган тафаккур” ва “идрок жараёнларининг англанмаган характери”), Г.Гелмгольц (“англанмаган аклий хулосалар чиқариш” ҳақида таълимот), И.Павлов (“англанмаган психик ҳаёт”), В.М.Бехтерев (“англанмаганликнинг фаоллиги”) ва бошқалар катта ҳисса қўшишган [50, б. 47-68], [175, б. 30], [60, б. 320].

Демак, онгсизлик муаммосига бағишланган ишларни ўрганиш онгсизлик муаммоси тадқиқида муайян тарихий даврлар мавжудлигини кўрсатади.

Онглилик даражасида англанган хатти-ҳаракатларнинг англанмаган кўзғатувчилари мавжуд. “Онгустилик” эса психик жараёнлар иерархик пирамидасининг чўққисини эгаллаши лозим. У онг фаолиятининг узоқ ва зўриқиш шакли сифатида ривожланади. Янги муносабат ёки ҳиссиётлар

²Қаранг: Наука и религия. Научно-популярный журнал. – М., 2011. №4. – С. 39-40.

хамда ижодий ғояларнинг онгга қайтиши унинг интеграл натижаси ҳисобланади.

Онгсизлик вақт оқими давомида инфор­мацион фазонинг ўзгариши, ахборотлар оқимидаги камчиликларни тўлдириш, ментал структуралар ўз­ўзининг таркиб топишини охирига етказишида содир бўлади. Илмий тадқиқот ишида фаолиятнинг автоматлашган, онгли, ярим онгли ва онгсиз ҳолатда назорат қилинадиган компонентлари – кўникма, малака ва одатлар инсон билиш фаолиятининг ан­гланмаган компонентлари сифатида когнитив психология йўналиши ўрганиши керак бўлган муаммолардан эканлигига алоҳида урғу берилган. Билиш жараёнида ан­гланмаган (имплицит) билимларнинг ан­гланган (эксплицит)ликка ўтиши кўпинча *инсайт* сифатида талқин қилинади, бошқа бир томондан эса, ан­гланганликнинг назорат қилиниши *автоматик ҳаракатларга ўтиш* билан уйғунлашади ва *малакани* шакллантиради. Бизнингча, малакани шакллантиришнинг асосий босқичлари схемасини ишлаб чиқишда эътиборни *тажрибалар, билиш жараёнларига қаратиш онгсизликда когнитив акс этиш компонентларини* ажратишга қаратиш имконини беради. Шунингдек, стереотип ва интуициянинг онгсизликдаги роли масалалари очиб берилган. Стереотиплар муаммоси П.Н.Шихирев, Ю.Л.Шерковина, К.С.Гаджиев (1999), И.С.Кон (1979), В.А.Ядов (1995), Л.А.Зак (1976) каби олимлар ишларида ёритилган. Демак, стереотиплар ўзликни ан­глаш, ўзининг ўзгалардан устувор ёки нотўқис жиҳатларини ажрата билиш, макон ва замонда амалга ошири­лаётган хатти-ҳаракатларини баҳолаш орқали жамиятдаги мавқеини тан олиш имкониятидир.

1991-2016 йиллар – Россия Федерациясида онгсизлик ва унинг компонентлари муаммосига доир замонавий ёндашувлар, тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, 2003-2016 йиллар давомида Россияда А.В.Мяценцев (2003), С.В.Грибанов (2003), Д.В.Джамалян (2004), Т.А.Каширская (2004), И.В.Евланникова (2004), О.В.Степанова (2004), Н.А.Паникова (2005), Д.Ф.Юлаев (2005), Ю.Б.Шилова (2006), Л.Р.Данакари (2006), И.Н.Валиев (2006), И.В.Васильева (2006), Н.Н.Плетеневская (2006), Т.И.Бармашова (2006), Н.Ю.Переверзева (2007), А.В.Бондаренко (2007), В.А.Шумаков (2007), В.А.Дмитриева (2007), М.А.Плохова (2008), О.В.Семенец (2010), Л.Ш.Багдасарян (2010), А.Г.Продовикова (2010), О.В.Науменко (2010), С.П.Макаров (2011), С.И.Гришунин (2011), Е.А.Никитина (2011), И.А.Кувда (2011), М.М.Берумова (2011), И.Ю.Бешкарева (2011), О.В.Букрева (2013), Т.М.Артемьев (2014), М.К.Мосиенко (2016), А.В.Маслова (2016) каби олимлар томонидан онг ва онгсизликнинг ўзаро алоқадорлиги, унинг компонентлари ҳамда когнитив муаммоларига доир илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлардан О.В.Науменконинг “Ҳисоблаш масалаларини ечишда когнитив онгсизлик кўринишлари”³ мавзусига оид изланишларида “Когнитив онгсизлик” ан­гланмаган когнитив тузилма ва жараёнларнинг мажмуи учун қўлланиши ҳамда билиш жараёнларининг барча

³Науменко О.В. Автореф. ...дисс. канд. психол.наук. 19.00.01. Обобщая психология, психология личности, история психологии. – Санкт-Петербург, 2010. – 22 с.

жабҳаларига хос ахборотларни қайта ишлашда анланмаган феномен сифатида намоён бўлишини таъкидлаб, турли мураккабликдаги операцияларни бажаришда (анланмаган) имплицит имкониятлар мавжудлигини аниқлаганлиги тадқиқотимиз учун катта аҳамият касб этди.

Онғсизлик тузилиши билан боғлиқ нуқтаи назар асосига *интуицияни* киритиш унинг асосий компонентлари ва механизмлари ҳаракатини янада аниқ ва умумлаштирилган ҳолда акс эттириш имконини яратади. Интуициянинг турли модалликдаги ахборот оқимлари ва уларнинг ўтмиш, ҳозирги вақт (долзарб) ва потенциал ҳолатларда вужудга келиш даражалари танловни универсал интегратив механизм сифатида кўриш мумкинлигидан далолат беради (1-расм).



1-расм. Интеллектуал фаолиятга онғсизлик компонентларининг таъсири

Тадқиқотимизда онғсизлик компонентларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилди: 1) кўникма ва малакалар; 2) одат, ҳаракат ва стереотиплар; 3) интуиция; 4) тафаккурдаги инсайт.

Тадқиқотнинг “**Интеллектуал фаолиятда тафаккурнинг анланмаган механизмлари ўрнини аниқлаш**” деб номланган иккинчи бобида тафаккур муаммосининг тадқиқ даражаси ёритилган, унда инсоннинг интеллектуал фаолияти мия орқали назорат қилинувчи ҳаракат эканлиги очиб берилган.

Тафаккурнинг анланмаган компонентларини ўрганишнинг ўзига хослигини ёритиш мақсадида А.В.Брушлинский томонидан таклиф этилган ҳамда Н.Н.Плетеневскаянинг тадқиқотларида фойдаланилган психодиагностик методика ва ёндашувга асосланган ҳолда тўрт босқичдан иборат экспериментал тадқиқотни амалга оширдик.

Қўйилган асосий топшириқни ҳал этишнинг турли босқичларида тафаккурни жараён сифатида амалга ошириш мобайнида синалувчилардан бир неча марта вазифанинг асосий компонентларига тегишли семантик дифференциал матрицани тўлдириш сўралган. Матрицага 11 та турли хил тушунча ва 13 та униполяр белги (яъни аломат) киритилган. Тақдим этилган ўн бир тушунчанинг ҳар бири у ёки бу даражада асосий вазифа билан боғлиқ, уларнинг сифати 13 белги бўйича олти балли шкалада баҳоланган. Н.Н.Плетеневская томонидан келтирилган маълумотлар асосида шакллантирилган 1-жадвал миқдоридан кўриниб турибдики, биринчи омил барча элементлар дисперсиясининг 51,02 % ини, иккинчи омил эса умумий дисперсиянинг 22,21 % ини ифода этади. Эмпирик натижаларимизга кўра, биринчи омилнинг ўзгариш дисперсияси 49,4 %, иккинчи омилники эса 24,4 % га тенг.

1-жадвал

Омилли таҳлилнинг қиёсий натижалари

Омиллар	Омил юкламаларини ҳисоблаш натижалари			
	Хусусий қийматлар	Ҳар бир хусусий қийматнинг умумий дисперсиядаги улуши	Хусусий қийматларнинг жамланиб бориши	Хусусий қиймат улушларининг жамланиб бориши
Н.Н.Плетеневская томонидан ўтказилган факторли таҳлил натижалари				
1-сон	6,633134	51,02411	6,633134	51,02411
2-сон	2,887868	22,21437	9,52003	73,23848
Бизнинг тадқиқотимиз доирасида амалга оширилган факторли таҳлил натижалари				
1-сон	5,87690	49,43187	5,67432	50,52985
2-сон	3,23715	24,41863	9,23176	76,54298

Албатта, тадқиқотнинг турли босқичларида ўтказилган семантик дифференциал методика маълумотларининг факторли таҳлили хилма-хил натижаларни берган синалувчилар тафаккурининг онгсиз ва онгли компонентларида муайян ўзгаришлар юзага келаётганини билдиради. Тафаккур категорияси ўзгарувчан динамик жараён, унга субсенсор ва вербал айтиб туришлар натижасида онг остида юзага келадиган турли ўзгаришлар таъсир кўрсатишига гувоҳ бўлдик. Фикрлаш топшириқлари компонентларининг англаган даражадаги тасавури ўзгариши билан уни ечиш шартларининг онгсизлик баҳолари ҳам ўзгаради.

Факторлар бўйича айтиб туришлардан кейин ечимни топишда топшириқ шартлари катта аҳамият касб эта бошлайди, бунда улар янги алоқа ва муносабатлар тизимига киритиш имконияти сифатида интерпретация қилинади. Айнан шу янги алоқа тизимлари синалувчининг барча фикрлаш жараёнини ўзгача йўналиш билан таъминлайди. Олинган натижаларга кўра, вербал айтиб туришдан фойдаланиш синалувчиларда тафаккур жараёни боришининг топшириқ шарт ва талабларини англаш даражасида ҳамда худди шундай фикрлаш ҳаракатларининг англамаган ҳолатида ҳам ўзгаришларига олиб келишини аниқ кўрамыз. Н.Н.Плетеневскаянинг «Ақлий масалаларни

ечишда онг ва онгсизликнинг нисбати» мавзусидаги тадқиқоти билан бизнинг изланишларимизда “субсенсор” айтиб туриш, фикрлаш жараёнининг англамаганлик даражаси, онгли қарор қабул қилишдаги муайян ўзгаришларни аниқлаш, тафаккур жараёни сифатида ақлий ҳаракат, операцияларнинг кечишига (вербал ёки “субсенсор”) айтиб туриш таъсирини аниқлаш масаласида умумий жиҳатлар мавжуд. Бизнингча, фикрий изланишларда англамаганлик ва англамаганлик бирлиги ҳақидаги сўнги нуқтаи назар энг истиқболлидир.

“Тафаккур жараёнида онгсиз интеллектуал функциялар англамаганликни тўлдирувчи ҳодиса сифатида” деб номланган учинчи бобда айтиб туриш, субсенсор айтиб туришларнинг фикрлаш фаолиятига таъсири ҳамда уларнинг микросемантик таҳлили ёритилган. Микросемантик таҳлил методи тадқиқотнинг сифат методлари қаторига киради ва у тафаккурнинг ички детерминациясини аниқлашга йўналтирилган. Таҳлил натижасида синалувчиларнинг олтига категорияси ажратиб олинди (2-расм).



2-расм. Бирламчи жавобни ўзгартириш хусусиятига кўра фарқланувчи синалувчиларнинг нисбати (% ҳисобида).

Экспериментларимизда бунга субсенсор айтиб туриш сабаб бўлиб, у тадқиқот иштирокчиларида умумлашган интуитив ҳукм, хулоса ёки установакани қабул қилишнинг катализатори сифатида вужудга келган. Янги англамаган компонентларнинг киритилиши (тафаккурнинг англамаган режаси ўзгариши) билан фикрлаш жараёни англамаган даражада сифат жиҳатидан ўзгарган. Синалувчилар топширик элементлари (нафақат ситуатив ва эмпирик)ни ўзаро алоқасининг умумлашган мезонларига кўра ажратишади. Кейинчалик субсенсор даражадаги айтиб туришлар, умуман олганда, муаммоли вазиятни анча чуқурроқ англашга, изланаётган ечимнинг назарий башоратлари шаклланишига, тўғри жавоб топишига асос бўлади.


Тадқиқотларимиз яқунлангандан сўнг синалувчилар билан илмий изланиш дастуридаги у ёки бу ҳаракатларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида 14 та “очиқ” саволдан иборат анкета сўровномаси ўтказилди. Анкета сўровномасида қатнашганлар умумий миқдорининг катта қисмини, яъни 51,6

% ини (80 нафар) аёллар ташкил этса, 48,4 % и (75 нафар) эркаклардан иборат эди. Синалувчиларнинг маълумотлилик даражаси қарийб тенг бўлиб, уларнинг барчаси олий ўқув юртларининг гуманитар йўналиш талабалари ва битирувчиларидир. Бунда синалувчиларнинг кўпчилиги олий таълим муассасаси талабалари (65,8 % - 102 нафар), камроқ қисми эса ёш ўқитувчилардан (34,2% -53 нафар) иборат. Анкета сўровномасидан олинган маълумотларни қайта ишлаш ва тизимлаштириш шуни кўрсатдики, синалувчиларнинг асосий қисми 54,8 % (85 нафар) юқорида келтирилган натижалари яна бир марта ўтказилган тадқиқотнинг самарадорлигини ҳамда топширикни ечиш давомида англамаганлик ҳолатининг англаганликка таъсир қилганини тасдиқлайди.

Ўзаро қиёсий таҳлилнинг кўрсатишича, эмпирик тадқиқотларимиз натижалари билан Н.Н.Плетеневская таклиф этган онгсизликни ўрганиш модели ва натижалари орасида кескин фарқлар йўқ. Бу тўрт босқичли экспериментни ташкил қилишнинг адекватлигидан далолат, у масала ечимида онгсизликнинг онглиликка таъсир этишини исботлайди. Ўтказилган анкета сўровномаси ҳам ушбу маълумотларни далиллашда ўз исботини топгани А.В.Брушлинский методикасининг ишончлилиги ва самарадорлигини тасдиқлайди. Тадқиқотимиз давомида, Н.Н.Плетеневскаядан фарқли ўлароқ, қуйидагиларни ажратдик. Эмпирик тадқиқот натижаларига кўра, тафаккурнинг англамаган умумпсихологик компонентлари механизмлари онгнинг англамаганлик таркибини “ниқоблаш” ҳамда фаоллаштириш функциясини бажаради. Шунингдек, 1. Онгсизлик онгни кераксиз ахборотлардан сақлаш механизми сифатида маълумотларни йиғиш, уларни сақлашни ўз зиммасига олади. 2. Онгсизлик онгни ортиқча зўриқшдан ҳимоялайди. Олинган натижалар тафаккурда англаганлик ва англамаганликнинг алоқадорлиги ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиш механизми эканлигидан далолат беради.

Интеллектуал жараён кечишидаги онгсизлик ва онглиликнинг ўзаро таъсирини ўрганиш мақсадида: 1) йиғиндиларнинг кичик кўламли интеллектуал жараён моделини яратиш, онглилик ва онгсизлик ҳолатлари самарадорлигини таҳлил этиш; 2) йиғиндиларнинг ўртача кўламли интеллектуал жараёни моделини яратиш, онглилик ва онгсизлик ҳолатлари самарадорлигини таҳлил этиш; 3) йиғиндиларнинг катта кўламли интеллектуал жараёни моделини яратиш, онглилик ва онгсизлик ҳолатлари самарадорлигини таҳлил этиш; 4) интеллектуал жараёнда онгсизлик даврий характеристикаларини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат эмпирик тадқиқот амалга оширилди (237 нафар синалувчи, улардан 114 нафари аёл (51,9%), 123 нафари эркак (48,1%)). Мобил телефонларни танлаш онгсизлик даражасидаги тавсифлар миқдори биринчи босқичда кам (5 та), иккинчи босқичда икки баробар ва учинчи босқичда уч баробар қилиб олинди. Синалувчилар кенгайтирилган тавсифлар билан 30 сония мобайнида таништирилгандан сўнг умумий манзара тубдан ўзгарди. Назорат гуруҳида тўғри жавоблар сони 52,8 % га пасайди, экспериментал гуруҳда эса 57,7 % гача кўпайди, яъни ўртача даражагача тавсифлар кўлами ортиши билан


онгсизлик самарадорлиги кўтарилиши ва мос равишда, онгли қарорлар натижаларининг пасайиши кузатилди. Синалувчиларни тавсифларнинг орттирилган сони билан таништириш экспериментал гуруҳда тўғри жавоблар кўрсаткичларини 66,4% га яхшилаш имконини берди, бунга мос равишда назорат гуруҳидаги кўрсаткич 32,2 % гача пасайди. Маълум бўлдики, интеллектуал жараёндаги йиғинди ахборот кўламининг ортиши онгсизликда қарор қабул қилиш самарадорлиги билан тўғри пропорционал ва онгли қарорлар натижасига эса тескари пропорционалдир. Ўз навбатида, англамаган қарорлар ахборотнинг кўлами кенглигида маҳсулдорроқ бўлиб, самарали англаган қарорлар қабул қилишни қийинлаштиради. Интеллектуал жараёнда онглилик ва онгсизликнинг даврий тавсифларини ўрганиш мақсадида эмпирик тадқиқотнинг тўртинчи босқичи доирасида назорат ва экспериментал гуруҳларидаги ҳар бир синалувчи билан (n=237) индивидуал суҳбат ўтказилди ҳамда англаган ва англамаган қарор қабул қилишнинг ўртача статистик хронометражини яратиш имконини берди (3-расм).



3-расм. Интеллектуал масалалар давомида англаган ва англамаган қарорлар динамикаси (n=237)

Хулоса қилиш мумкинки, ҳосилаларнинг унчалик катта бўлмаган кўламли масалаларини ечишни синалувчилар онгсизлик даражасига нисбатан онглилик даражасида яхшироқ амалга оширдилар. Бунда ҳосилалар сони ортиши жараёнида онгсизлик даражаси бўйича синалувчиларнинг натижалари юқорироқ бўлади. Бу катта кўламли ахборотга эга бўлган интеллектуал масалаларни ечиш мобайнида онгсизликнинг ҳаракатлилиги ва самарадорлиги намоён бўлади. Кейинги босқичда интеллектуал жараёнга англамаган установакаларнинг таъсирини исботлашга қаратилган учта шартли босқичдан иборат эмпирик тадқиқот ўтказдик ва унда 237 нафар синалувчи иштирок этди. Булар: 1-босқич – интеллектуал жараён давомида установака англамаганлик даражасининг шаклланишини; 2-босқич – англамаган установаканинг интеллектуал жараён натижасига таъсирини; 3-босқич – интеллектуал жараёнда англамаган установака барқарорлигини ўрганишдан иборат бўлди. Эксперимент гуруҳи назорат (n=121) ва экспериментал (n=116) гуруҳларга ажратилди. Экспериментнинг биринчи босқичида англамаган установакани шакллантириш мақсадида фақат экспериментал гуруҳ киритилди (n=116). Бу гуруҳга узунлиги 10 метрдан иборат бўлган чуқурликка 9 та тенг ёнли бир хилдаги учбурчакдан фойдаланган ҳолда кўприк қуриш вазифаси берилди. Бунда тенг ёнли учбурчакнинг томони 2 метр (4-расм). Ушбу масалани ҳал этиш тўртта


учбурчакнинг асоси пастга қаратилган шартли таянчларга бўлиб қўйишдан иборат (1, 2, 3, 4 рақамлари остидаги учбурчаклар). Сўнгра синалувчилар қолган бешта учбурчак орасида пайдо бўлган ораликни асослари юқорига қаратилган ҳолда тўлдиришлари зарур эди (5, 6, 7, 8, 9 рақамлари остидаги учбурчаклар). Барқарор установкани шакллантириш учун фигуралар сонининг камайиши ва бунга мос ҳолда чуқурлик узунлигини ҳисобга олган шартларни назарда тутган худди шундай масалалар тажрибада синаб кўрилди.



4-расм. Эксперимент биринчи босқичининг стимул материали ва масалани ечиш

Тажрибанинг иккинчи босқичига ҳам экспериментал, ҳам назорат гуруҳларининг синалувчилари киритилди. Синалувчиларга (n=237) мураккаблаштирилган масала ва қуйидагича танловлар берилди:

- 1 вариант – ёни 2 метр бўлган 9 та тенг ёнли учбурчак;
- 2 вариант – асоси 9 метр бўлган 1 трапеция ва узунлиги 3 метр бўлган 2 та тўртбурчак (5-расм).



1-вариант

2-вариант

5-расм. Эксперимент иккинчи босқичининг стимул материали ва уни ечишнинг вариантлари

Масала ечиш натижаларига кўра шу нарса аниқландики, экспериментал гуруҳнинг асосий таркиби 1-вариантни кўприк қуриш учун қурилиш

материали сифатида танлади, назорат гуруҳи субъектлари тўғрисида эса бундай дея олмаймиз. Синалувчилар билан индивидуал суҳбат чоғида шундай ҳолат аниқландики, бунда назорат гуруҳининг кўпчилик синалувчилари 2-вариантнинг танловида битта трапеция, иккита тўғри тўртбурчак ёрдамида тез ва содда қуриб олиш мумкинлиги ҳамда ушбу учбурчаклардан қурилган кўприкка қараганда, анча мустаҳкам бўлишини изоҳлади. Шу билан бирга, экспериментал гуруҳ синалувчиларида қурилиш материаллари вариантларини танлаш жараёнида, англаган ягона омилга асосланган тушунтириш ҳаракатлари аниқланмади. Тажрибанинг биринчи босқичида экспериментал гуруҳда яратилган установа синалувчилар томонидан тажрибанинг иккинчи босқичида амалга оширилган танловга таъсир кўрсатган, шунга қарамасдан, мазкур вариант жуда ҳам осон ва мақсадга мувофиқ эмасдай тасаввур уйғотади, яъни, установканинг таъсири остида синалувчилар томонидан масаланинг аниқ ва оддий ечилиши қоидага риоя қилиниши қарийб сезилмайди.

Тадқиқотда англамаган установканинг интеллектуал жараёнга таъсири, установа механизмининг онгсизлик даражасида шаклланиши масалалари ёритилган. Англамаган даражада шаклланган установа топшириқни ечиш усуллари билан биринчи танлашни аниқлаб беради, бунда установа механизмининг ўзи онгсизлик даражасида шаклланади ва, қоидага риоя қилиш талабига кўра, интеллектуал жараён натижасини англаганлик қисмини киритган ҳолдагина қайта аниқлаш имкониятини беради. Шу билан бирга, синалувчиларнинг онгсизлик установакалари таъсири, яъни унинг барқарорлигини сақлаш даврий кўрсаткичини ўрнатиш алоҳида илмий аҳамият касб этади. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун экспериментнинг учинчи босқичи ўтказилди, унда фақат экспериментал гуруҳ синалувчилари қатнашишди ($n=116$). Мазкур босқичга назорат гуруҳининг жалб қилинмаганлиги синалувчиларда онгсизлик даражасида интеллектуал масалани ечишга установа шакллантирилмаганлигидир. Экспериментнинг учинчи босқичида синалувчиларга мураккаблашган масала – “10 метрлик чуқурга 3,6,9,12 кунлик муддатда кўприк қуришни охирига етказиш” таклиф этилди. Олинган маълумотлардан аниқ бўлдики, қурилиш материалларининг 1-вариантини танлаган синалувчиларнинг миқдори интеллектуал масалани ечиш даври кўрсаткичига нисбатан камайиб боради. Интеллектуал масалани ечиш жараёнининг биринчи қарорида 84,5 % синалувчи жавобнинг биринчи вариантини танлади, 3 кундан сўнг бу кўрсаткич 62,1 % га камайди (72 нафар синалувчи), 6 кундан кейин 38,8 % гача пасайди (45 нафар синалувчи), 9 кундан кейин 18,1 % га (21 нафар синалувчи), 12 кундан сўнг эса 7,8 % (9 нафар синалувчи) гача пасайди.

Шундай қилиб, турли модалликдаги кўзғатувчиларнинг таъсири остида англамаган установакаларнинг ҳар хил даражасига мутаносиб синалувчилар гуруҳи турли реакция қобилятини намоён қилади, деган ҳукмни таъкидлаш жоизки, кучли асаб тизимли синалувчилар англамаган установакаларнинг паст даражасига хос барқарорликка эга, яъни кучсиз асаб тизимли синалувчиларга нисбатан англамаган установакаларнинг кўпроқ паст

даражасида. Улар барқарор анланмаган установакаларнинг шаклланишига кўпроқ берилувчан.

ХУЛОСАЛАР

1. Онгсизлик муаммосига оид тадқиқотларнинг муаллифлари онглилик ва онгсизликни психик акс эттиришнинг даражаси сифатида қарашади, онгсизликнинг ёрдамчи вазифага эга эканлигини таъкидлашиб, англашнинг босқичлари хусусида фикр юритишади. Замонавий психологияда интеллектуал фаолиятни тушуниш: а) психик фаолиятнинг мураккаб тузилмаси; б) амалий хатти-ҳаракатлар ва образларни ҳис қилиш жараёнларига турли жиҳатдан боғлиқлиги; в) нутқнинг аввалги тажрибалар билан боғлиқ тарзда ўрганилиши қайд этилади; г) мазкур мураккаб тизим ва алоқалар объектнинг мавжуд хусусиятларини умумлашган ҳолда билиш функциясини бевосита характерлайди; д) айна даврдаги замонавий тасаввурларга кўра, интеллектуал фаолият яхлит, аммо субъект амалга оширадиган кўп компонентли фаолиятда унда турли даража ва шароитда жараён сифатида кечиши тажрибада тасдиқланди.

2. Махсус моделлаштирилган топшириқларни (уч мобил телефонини таърифлаш) бериш орқали ўтказилган эмпирик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, синалувчилар кичик ҳажмга эга масалаларни ечишда анланмаганлик эмас, балки анланганлик ҳолатида ечимни самаралироқ топишади. Бунда ҳосилалар миқдори маълум даражага орттирилганда анланмаганлик даражасида синалувчилар самаралироқ натижа кўрсатишди. Бу катта ахборот миқдорига эга интеллектуал масалаларни ечиш мобайнида анланмаганликнинг самарадор эканлигини намойиш этади.

3. Мобил телефонини таърифлаш ҳажмининг ортиши билан барча гуруҳларда *танишиши ва тушуниши* жараёни ошади, чунки синалувчилар маълумот билан танишиши учун кўп вақт сарфланади. Бироқ экспериментал гуруҳдаги синалувчилар, назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, камроқ вақт сарфлашади. Анланмаган ҳолда ечиш англаб ечишга нисбатан тезроқ, бу нафақат топшириқ ечимини топиш, балки уни (анланмаганликни) тушунишга интилишларида ҳам акс этади.

4. Моделлаштирилган топшириқлар билан боғлиқ (узунлиги 10 метрлик жарлик устига кўприк қуриш) ўтказилган эмпирик тадқиқотларда синалувчиларнинг хулқ-атворида, гарчанд, танлов осон кечмаган бўлса-да, масалани ечиш жараёнидаги маълум жавоблар вариантини танлашда анланмаган установакалар таъсири билан масала ечимини соддалаштириш ходисаси сезилмади.

5. Масала ечимини қайта текширишда (узунлиги 10 метрлик жарлик устига кўприк қуриш) 3, 6, 9, ва 12 кундан сўнг анланмаганлик даражасида шаклланган установакаларга қарамай, бирламчи жавоб вариантини танлаган синалувчиларда интеллектуал масалаларни ечиш кетма-кетлик кўрсаткичи қисқаради. Фикримизча, аниқланган тенденция давомийлиги ва қисқа

муддатлилиги билан тавсифланувчи англолмаган установакалар барқарорлиги бирламчи жавоб вариантини танлаш муддатини камайтиради.

6. Онгсизлик онгни ортиқча зўриқишдан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Бу инсон психикасида ҳар қандай шароитда ҳам англолмас жараёнлар мавжудлигини, онгга фақат ана шу фаолият натижалари етиб келишини исботлайди.

7. Тафаккур қарор қабул қилиш жараёни сифатида қаралади ва турли контекстда қатнашади. Бунда қарор ва тафаккур жараёнининг ўзи учта кетма-кет босқичга бўлинади: онгли қарорни излаш; интуитив, инсайт, тўсатдан қарор қабул қилиш, қарорни англолаш ва уни расмийлаштириш.

8. XXI аср психологияда тафаккур онгда тўлиқ тасаввур этилмаган мураккаб тузилмавий психик фаолият, ҳиссий, образли амалий ҳаракат, нутқ ва олдинги тажриба билан турли муносабатга эга жараён сифатида тушунилади ва ўрганилади, яъни тафаккур субъектнинг бир бутун, лекин кўп компонентли фаолияти сифатида тушунилади, бунда яхлитлик шу билан аниқланадики, тафаккур субъект, шахс томонидан амалга оширилувчи жараён сифатида ишлайди, лекин объект билан муносабатлар турли даражада ҳамда ўзига хос ҳар хил махсус тизимларда кечиши ва амалга ошиши мумкин.

9. Онгсизликни тадқиқ этиш ғоялари синалувчининг эксплицит топшириқни ечишидан иборат, у мақсадли стимулларга жавоб тугмасини тез ва аниқ босиши керак. Бундан ташқари, эксперимент вазиятида синалувчи томонидан англолмайдиған қўшимча омил ҳам мавжуд, бу – мақсадли стимулларнинг муайян кетма-кетликда жойлашганлиги. Ҳатто синалувчи мазкур стимулларни пайқамаганда ҳам, эксплицит топшириқни тезроқ бажаради. Синалувчининг онги мақсадли стимулларга жавоб бериш вазифасини оптимал бажариш усулини излаш билан банд бўлганида, онгсизлик “айтиб туриш”ни қўллаш орқали субсенсор идрок қила бошлайди.

10. Тафаккурнинг англолмаган умумпсихологик компонентлари механизмларини ўрганиш мақсадида инсон маълум топшириқнинг жавобини танлаши учун керак вазиятни белгилашида автоматлашган одатий хулқ-атвор синалувчига берилган дастурий топшириқлар вариантдан бирини танлаш заруриятини ҳис қилиш имконини яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc27.06.2017.Psi.02-07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АБДУРАХИМОВ КОДИРЖОН АБДУХАЛИЛОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ КОМПОНЕНТОВ БЕССОЗНАТЕЛЬНОГО НА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ**

19.00.01 - Общая психология, психология личности и история психологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2017

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам
зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров
Республики Узбекистан под номером B2017.1.Ph.dPsi1.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещен на двух языках (узбекском, русском) на веб-странице ik-falsafa@nuu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный советник: **Шоумаров Гайрат Бахрамович**
доктор психологических наук, профессор

Официальный оппонент: **Бегматов Абдуллажон Сирожиддинович**
доктор философских наук, профессор

Кадыров Ботир Рахманкулович
доктор психологических наук, профессор

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 года в ___ часов на собрании Научного совета № _____ при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4-дом. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Административное здание Национального университета Узбекистана, 2-этаж, актовый зал.)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана. (зарегистрирована под номером ____.) (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4-дом. Административное здание НУУз, 2-этаж, 4-комната. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2017 года.)

Э.Газиев,
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.,
профессор

А.Расулов,
Научный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.

Н.Сафаев,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.п.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшнем этапе мировой цивилизации сознание и мышление имеют несравненное значение. Сегодня интеллект человека превратился в глобальную силу, движущую общественные процессы в глобальном масштабе. Ибо все знания и опыты в мире, слова и понятия, представления и выводы имеют отношение к человеческой деятельности. Прогностическая ценность различий, свойственных человеку интеллектуальной деятельности, связана, в первую очередь, с управленческой возможностью личностного свойства, это проявляется в самостоятельном усвоении новых знаний, их совершенствовании, вооружении психологическим знанием и формировании у них самосознания, навыков и опытов правильного мышления.

С первых дней независимости в Республике Узбекистан в результате реформ, проведенных по внедрению в разум и сердце человека национальной идеи и патриотических чувств, гражданской позиции, расширению масштабов различных способов и средств, непосредственно влияющих на них, были достигнуты положительные изменения среди молодежи, в мышлении, мировоззрении, духовности, интеллектуальной деятельности нашего народа. В последние годы современные научно-философские и сравнительно-методологические анализы ученых нашей страны по факторам, влияющим на сознание и бессознательное, прогнозам умственного развития личности, проблемам сознания и бессознательного в творчестве, были основаны на получение важных научных результатов.

Большое значение имеет то, что к XXI веку в рамках философских и психологических наук были созданы научные исследования и сформированы направления, разработаны эффективные методы, внесшие свой определенный вклад в исследование сознательного и бессознательного. В частности, придается отдельное внимание изучению запоминания, воображения, влияния бессознательного на творчество, психологических установок в сознании и бессознательном и их психофизиологии, компонентов когнитивного отражения, стереотипов, психологической интерпретации привычек и интуиций, отражения в субсенсорном рассудке, роли бессознательных интеллектуальных функций в мышлении, их проявления в качестве явления, дополняющего постижение, процесса мышления, возникающего в подсознании.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан № ЗРУ-415 от 26 декабря 2016 года «О социальных услугах для престарелых, инвалидов и других социально уязвимых категорий населения», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении № ПП-2909 от 15 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» и других нормативно-правовых документах, относящихся к теме.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Исследование духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей, национальной идеи, культурного наследия, узбекского народа и истории государственности, а также органичности и непрерывности образования, воспитания гармонично развитого поколения».

Степень изученности проблемы. Научно-методологической основой данного исследования послужило четвертое – направленное на развитие социальной сферы приоритетное направление Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, разработанной под руководством Президента Республики Узбекистан.

Ученые древнего мира, наравне с вопросами относительно познания, со времен основания философии в учениях Сократа, Платона (напоминание «мира идей»), Аристотеля (духовная часть) изучили проблемы бессознательного, неосознанности на уровне требований своего времени [68, С. 5-49], [73, С. 84-96], [40, С. 234], [146, С. 29].

